*Область партия комитети пленуми олдидан*

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

ОБЛАСТЬ касаба союзлари Советида КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарорлари ва шу йилнинг 31 март — 1 апрель кунлари Омск шаҳрида бўлиб ўтган семинар-кенгаши тавсиялари асосида саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида кооперативларни ривожлантириш, оилавий ёрдамчи хўжаликлар, коллектив боғдорчилик ва томорқачилик ишларини ривожлантириш соҳасида область касаба союзлари ташкилотларининг олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Омскда бўлиб ўтган семинар-кенгаш иштирокчиси, область касаба союзлари Советининг раиси Ю. А. Асепков Озиқ-овқат программасини ҳал этишда омскликларнинг тажрибаси ҳақида батафсил ахборот берди.

Йиғилиш қатнашчилари асосий диққат-эътиборни областдаги саноат корхоналарининг қишлоқ хўжалигидаги ёрдамчи хўжаликларини, коллектив боғдорчилик ва томорқачилик, қишлоқ, шаҳар ва посёлкаларда шахсий томорқачиликни ривожлантириш масалаларига қаратдилар.

Областдаги кўпгина касаба союз ташкилотлари ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш билан жуда суст шуғулланмоқдалар. Шу туфайли уларнинг сони 1988 йилда ўтган йилларга нисбатан камайиб кетди. Масалан, 1984 йилда областда 520 та ёрдамчи хўжалик мавжуд бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 213 тага тушиб қолди. Ёрдамчи хўжаликларнинг рентабеллиги ҳамон паст. Айниқса, Бекобод, Бўка ва Пискент районларида бу тармоқ ҳаддан ташқари оқсамоқда.

Хўжалик раҳбарлари ва касаба союз комитетлари колхоз ва совхозлар билан кооперацияни ривожлантиришга қизиқмаяптилар. Улар билан шартнома асосида ишлаб чиқариш алоқалари йўлга қўйилмаяпти.

Агар Тошкент области ва Омск областида ёрдамчи хўжаликлар соҳасида эришилган натижаларни солиштирадиган бўлсак, бу борадаги қолоқлик яққол сезилиб қолади. Ҳозир областимиздаги 213 та ёрдамчи хўжаликда бор-йўғи 9,1 минг бош қорамол сақланаётган бўлса, Омскдаги 23 та ёрдамчи хўжаликда 13,4 минг бош қорамол боқилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги фарқ ҳам ўз-ўзидан катта. Масалан, Омск областида 8,2 минг тонна гўшт, 7,3 минг тонна сут ишлаб чиқарилган бўлса, бизда 2,8 минг тонна гўшт, 4,4 минг тонна сут етиштирилди холос.

Йиғилиш иштирокчилари область партия комитетининг бўлажак пленумида КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми якунлари ва партия аграр сиёсатини амалга ошириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифаларини белгилаб олиш ва ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришда туб бурилиш ясаш лозим, деган хулосага келдилар. Ўз-ўзидан маълумки, майда ёрдамчи хўжаликларни ҳеч қачон рентабелли қилиб бўлмайди ва бу хўжаликлар меҳнат коллективларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ўзгариш ясай олмайди. Аксинча, меҳнаткашларни сабзавот-мева билан таъминлашда коллектив боғдорчилик ширкатлари катта самара келтириши мумкин. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, яхши парвариш қилинган битта боғ участкаси 2—3 оиланинг сабзавот, мевага бўлган эҳтиёжини қоплайди. Ўтган йили коллектив боғдорчилик ширкатлари 2775 тонна мева, 1500 тоннадан зиёд картошка ва сабзавот маҳсулотлари етиштирдилар.

Ҳозирги кунда фақат Тошкент шаҳри корхоналарига 37865 та участка ажратилди. Бу йил уларнинг сони яна 20 мингтага кўпаяди. Шунга қарамай, корхона ва ташкилотларнинг касаба союз комитетларида коллектив боғдорчилик ва томорқачилик билан шуғулланиш истагини билдирган меҳнаткашларнинг 100 мингдан ортиқ аризалари ётибди.

Коллектив боғдорчилик ва томорқачиликнинг жадал ривожланишида муаммолар ҳам талайгина. Масалан, одамлар қурилиш материаллари, инвентарлар ва боғда ишлатиладиган ускуналарни топишда қийналмоқдалар. Мана шу масалалар область партия комитетининг бўлажак пленумида муҳокама этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленуми қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ўз корхонаси, ташкилоти ишчи ва хизматчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ғамхўрлик кўрсатмаётган, ўз шахсий манфаатини ўйлаётган айрим хўжалик раҳбарларидаги дунёқарашни ўзгартириш учун касаба союзлари ташкилотлари янада қатъий курашиши керак, деб таъкидланди.

**С. БЕРКОВИЧ,**
**Область касаба союзлари совети матбуот марказининг мухбири.**

# МИҚДОР ЭМАС, СИФАТ КЕРАК

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида партия ташкилотларининг вазифаси буйруқ бермай раҳбарлик қилишдан, одамлар билан ишлашда маҳорат кўрсатиб ҳаракат қилишдан, одамларнинг ўзларигина ўз тақдирини белгилашлари мумкин ва лозимлигига ишончни мустаҳкамлашдан иборатдир, деб таъкидланди. Бу йўл эса ўз навбатида иқтисодий муаммоларни тезроқ ҳал этишга ёрдам беради, совет жамиятини демократик асосда ривожлантириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлади.

Пленум минбаридан туриб айтилган бу гаплар дилимиздаги фикр-ўйларни ифодалади.

Район партия комитети ҳам иш услуб ва методларини такомиллаштириб, кўпроқ меҳнат коллективлари билан мустаҳкам алоқа боғламоқда, кўрсатмаларни камайтираётир. Биз райком аппарати ходимлари учун қатъий иш режими мундарижасини ишлаб чиқдик. Илгари райком инструкторлари жойларга камдан-кам чиқардилар. Борганларида ҳам олдиндан тайёрланган саволларга олинган жавобларни жамлаш билангина чекланишарди. Уларнинг бюро йиғилишларидаги ҳисоботлари бир қолипда бўларди. Эндиликда инструкторларнинг масъулиятлари ҳамда мустақилликлари кучайтирилди, ҳар ҳафтанинг сешанба куни ўзларига бириктирилган хўжалик, корхона ёки ташкилотга чиқиб, амалий ёрдам кўрсатадилар. Инструкторларнинг фаолиятларига қарор ёки ҳисоботни ўхшатиб ёзишларига қараб эмас, ташкилотчиликлари, ташаббускорликларига қараб баҳо берилаяпти.

Турғунлик йилларида бошланғич партия ташкилотлари секретарлари хўжалик ишлари билан ўралашиб қолган эдилар. Партиявий ишларга астойдил эътибор берилмасди. КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилоти ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қароридан сўнг партия ташкилотлари фаолиятларини тубдан ўзгартирдик, уларнинг диққат-эътиборини партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфасини тиклашга қаратдик.

Район партия комитети фаолиятида районни социал-иқтисодий ривожлантиришга раҳбарлик қилишнинг сиёсий усуллари тобора кўпроқ қарор топмоқда. Биз КПСС Марказий Комитетининг Тошкент области бўйича қабул қилган қарорини бажариш юзасидан ишлаб чиққан комплекс планимизга мувофиқ бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини мунтазам равишда ўрганиб, муҳокама этмоқдамиз.

«Гулистон» колхози кейинги уч йил мобайнида ўзини ўнглаб илғорлар қаторига ўтди, даромад кўпайди. Колхозчилар меҳнатларининг пировард натижаларидан хурсанд. Лекин ютуқларга маҳлиё бўлиб, бошқа соҳаларни унутиб қўйиш ярамайди. Энди хўжалик раҳбарларининг фаолиятига бир тарафлама баҳо беришдан воз кечаяпмиз. Коллектив фаолияти атрофлича ўрганилганда колхоз партия комитети бир қанча масалаларда, жумладан, партияга қабул қилиш, ёш коммунистларни тарбиялаш борасида камчилик, хатоликларга йўл қўйганлиги маълум бўлди. Суҳбат чоғида бошланғич, цех партия ташкилотларининг секретарлари, партия группалари ташкилотчиларига бир қатор камчиликлар кўрсатилди. Колхоз партия комитети уларни чиниқтириш ўрнига пешма-пеш топшириқлар бераверган, ижрони эса текширмаган. Назоратнинг йўқлиги туфайли кейинги пайтда штатсиз партия комиссияси фаолияти сусайиб кетди. Текширувдан сўнг колхоз коммунистлари, уларнинг етакчилари билан жиддий суҳбат бўлди. Аниқ тадбирлар белгиланди, штатсиз партия комиссияси фаолияти кучайтирилди.

*ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҚАРОР ВА ИЖРО*

Партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун курашда коммунистлар аттестацияси муҳим роль ўйнаяпти. Биз шу мақсадда 25 та аттестация комиссияси туздик. Комиссия аъзолари райондаги 75 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган 466 коммунист билан суҳбатлашди. Уларнинг бешдан бир қисми шартли аттестация қилинди, 21 коммунист аттестациядан ўта олмади, 95 кишига партиявий жазо берилди, 12 киши партия сафидан ўчирилди.

Ҳали ҳам бизда лоқайдлик ҳоллари учраб турибди. Бундай кўнгилчанлик аттестация обрўйини тушираяпти, одамларда нотўғри тушунчалар пайдо бўлишига олиб келаяпти. Район партия конференциясида матлубот жамиятлари союзи, Ангрен дарёси ҳавзасидаги районлараро каналлар бошқармаси, Ленин номли колхоз аттестация комиссияларининг позициялари қаттиқ танқид қилинди. Қарангки, партия сафидан ўчирилган 12 кишидан 10 нафари ишчи ва колхозчи экан. Бу кўнгилсиз рақам. Демак, биз ҳали қайта қуриш талаблари даражасида ишламаяпмиз, бошланғич партия ташкилотлари эса тарғибот-ташвиқот ишларини бўшаштириб юборганлар.

Шунинг учун ҳам кўпроқ коллективлар орасида бўлишга, бошланғич ташкилотлар фаолиятларини қайта қуриш талабларига йўналтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Район партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси эндиликда партияга қабул қилиш, ёш коммунистларни тарбиялаш бўйича ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Партияга қабул бўйича икки йиллик резерв жорий этилди. Масалан, ишчи ёки колхозчи синовдан ўтиб, партия аъзолигига номзод бўлгач, ёш коммунистлар мактабига қабул қилинади. Бу ерда у янада чиниқади, тарбияланади. Айни пайтда ёш коммунистлар тажрибали коммунистларга бириктириб қўйилаяпти. Масалан, «Гулистон» колхози сут соғувчиси ёш коммунист Гулбаҳор Имаржонова мураббийлар ёрдамида янги-янги ташаббуслар билан чиқаяпти.

Биз партия аъзолигига кандидатларни ўз ҳолига ташлаб қўймаймиз. Улар билан тез-тез суҳбатлар ўтказамиз, кандидатлик стажларини қандай ўтаётганликларини сўраймиз, тегишли маслаҳатлар берамиз. Ишончим комилки, райком эътиборида турганлигини ҳис этган бўлажак коммунист ҳеч қачон лоқайдликка юз тутмайди, ўзи устида тинимсиз ишлайди, ўқийди, ўрганади. Менимча, фақат райкомдагина эмас, балки бошланғич партия ташкилотларида ҳам ёшларни назоратда тутиш зарур. Бизга КПСС Устави қоидаларини тўтиқушдек ёдлаб оладиган коммунистлар эмас, мустақил ҳаракат қила оладиган, одамлар кўнглига ишонч-эътиқод уруғларини соча оладиган коммунистлар керак.

Биз партия аъзолигига кандидатликка ўтишга кафолот берган коммунист ўша одам партия аъзолигига ўтаётганда ҳам кафолот берсин, деган талабни қўйдик. Бу бурч ва масъулиятни кучайтиришда ўзига хос тадбирдир.

Ўтган йили бошланғич партия ташкилотларининг КПСС сафига қабул қилиш бўйича бир неча қарорларини қайтардик. Чунки улар бу масалага шошма-шошарлик билан ёндашган эдилар. Ҳолбуки, КПСС Марказий Комитетининг қарори бизни ҳушёрликка, партиявий принципиалликка даъват этмоқда. Бизга коммунистларнинг миқдори эмас, сифати керак.

**В. НЕСТЕРЕНКО,**
**Пискент район партия комитетининг иккинчи секретари.**

*Қурилишда давлат қабули*

# РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

Маълумки, бу йилдан бошлаб қурилишларда ҳам давлат қабули жорий қилинди. Эндиликда бинокорлар қўлидан чиққан ҳар бир объект, катта-кичиклигидан қатъий назар, албатта, давлат қабулига топширилади. Бу бунёдкорлар зиммасидаги масъулиятни янада кучайтирди. Кўпчилик коллективлар уни чуқур ҳис қилиб ишламоқдалар.

Яқинда республикамиз пойтахтининг Юнусобод массивида 320 ўринли болалар боғчаси давлат қабули орқали фойдаланишга топширилди. Икки қаватли бу шинам бинода жажжи ўғил-қизларнинг тарбияланиши ва мириқиб қордиқ чиқариши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Хоналар замон талаблари асосида безатилган, кенг ва ёруғ. Ўғил-қизларнинг спорт ўйинлари билан шуғулланишлари учун ҳам имконият яратилган. Улар ёзнинг жазирама иссиқ кунларида сув ҳавзасида чўмилишлари мумкин.

Боғча қурилишини Тошкентдаги 159-қурилиш трестига қарашли 122-қурилиш бошқармасининг Б. Табулов прораблигидаги бунёдкорлари барпо этишди.

— Давлат қабулининг жорий қилиниши ишимиз сифатига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди, — дейди Б. Табулов. — Илгари суръатга кўпроқ эътибор берардик. Чунки бино муддатидан қанчалик барвақт фойдаланишга топширилса шунга яраша рағбатлантирилларди. Бундай вақтда объектнинг унча-мунча камчиликлари ҳам эътиборга олинмасди. Давлат қабули жорий қилинган ҳозирги вақтда эса энг асосий кўрсаткич сифат бўлиб қолди. Ҳар бир ишни бошидан охиригача талаб даражасида бажариш мезонга айланди. Шунинг учун ҳам ҳар бир бинокор бир-бирининг меҳнати сифати устидан назорат олиб борди. Камчиликлар вақтида аниқланиб, зудлик билан бартараф этиб турилди. Шу туфайли ҳам боғча сифатли қурилди. Давлат қабули мутахассислари уни юқори баҳоладилар. Бундан бинокорлар коллективимиз бениҳоя хурсанд бўлди: дастлабки имтиҳондан муваффақиятли ўтилди. Коллективимиз бундан буён ҳам муассасалар биносини замон талаблари даражасида қуриш учун бутун маҳорат ва тажрибаларини сарфлаб ишлайди. Бу меҳнатда янги муваффақиятларга эришиш учун гаров бўлиб хизмат қилади.

**М. ШОЮСУПОВА.**

*• Хўжалик ҳисоби шароитларида*

# МЕЛИОРАТОРЛАРНИНГ КЎМАКДОШИ

БУ КОРХОНА коллективини республикамиз мелиораторларининг энг яқин кўмакдоши деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам бу ерда шундай ноёб касб эгаларининг оғирини енгил қиладиган турли-туман машина-механизмлар қайта тикланмоқда. Тошкентдаги бу тажриба-механика экскаватор ремонти заводи коллективи ҳар йили 14 миллион сўмликдан кўпроқ ҳажмда маҳсулот реализация қилаяпти. Сув хўжалиги қурилишида кенг ишлатиладиган турли маркадаги экскаваторлар, уларнинг двигателлари капитал ремонтдан чиқарилмоқда. Бундан ташқари ётоқхона вагонлар, ПТ-60 маркали юк ташувчи оғир прицеплар, металл конструкциялар, ностандарт асбоблар, технологик ускуналар, ҳар-хил эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, республикамизда мелиорация ишларининг муваффақияти муайян даражада шу завод коллективи ишига ҳам боғлиқ. Буни яхши тушунган ремонтчилар доим тез ва соз ишлашмоқда, давлат планларини шараф билан уддаламоқдалар.

Биргина ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 9 процент ошди. Олинган фойда миқдори кўпайди, меҳнат унумдорлиги юксалди. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача маоши ҳам сезиларли даражада ортди. Жами реализация қилинган маҳсулот ҳажми 15 миллион сўмликдан ошиқроқни ташкил этди. Йил давомида 70 га яқин экскаватор капитал ремонтдан чиқарилди. 2 миллион сўмликдан кўпроқ эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Ташкил этилган янги участкада коллекторларни ювадиган ПК-08 маркали механизмлар, дренажларни қазиб қувур ёткизадиган ДПС-3,0 маркали мосламалардан ҳам кўплаб тайёрланди. Буюртмачиларнинг талаби билан 800 тага яқин ётоқхона — вагон жўнатилди. Айни вақтда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда. Бундай буюмлардан деярли 200 минг сўмлик чиқарилди. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш топшириғи ҳам ортиғи билан адо этилди.

Коллектив бундай муваффақиятга пудрат усулини қўлланиш туфайли эришди. Хўжалик ҳисобини жорий қилишга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилди. Аввало ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашга катта эътибор берилди. Шу мақсадда кўпгина янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Жумладан, двигателларни ремонт қиладиган участка ташкил этилди. Тайёрлов участкалари замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Дизель двигателларини синаш станцияси қайта қурилди. Қуюв цехида маҳсулотни жадал анализ қилиш имконини берадиган лаборатория ишга туширилди. Чўян эритиш участкасида янги конвейер линияси ўрнатилди.

Коллектив пудратига ўтишдан олдин барча ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар аттестациядан ўтказилди. Ишчиларнинг разряди қайта тарификация қилинди. Иккинчи разряд билан ишлайдиганлар сони 8 процентдан зиёд ортди. 52 ишчининг разряди эса пасайтирилди. Айни вақтда оғир ва саломатликка зарарли бўлган цехларда ишлаётганларнинг иш ҳақи оширилди. Ўрта ҳисобда уларнинг маоши 15—20 процент кўпайди.

Инженер-техник ходимларнинг аттестацияси ҳам юксак талаблар даражасида бўлди. Уларнинг билим доираси атрофлича имтиҳон қилинди. Натижада 51 киши аттестациядан ўтолмади. Уларнинг кўпчилиги ишдан бўшаб кетди. Айни вақтда малакали мутахассисларнинг ойлик иш ҳақи 11,5 процент ошишига қарамай иш ҳақи фондидан 48,3 минг сўм тежаб қолинди.

Коллективнинг чет эллардаги мижозлари сони ҳам ортиб бормоқда. Бу ерда тайёрланаётган кўпгина эҳтиёт қисмлар ҳорижий мамлакатларга ҳам етказиб бериляпти. Жумладан, гидромеханика ускуналарининг затворлари, сув иншоотлари учун зарур бўлган турли қурилмалар, оғир юк кўтаргичлар Гвинеяга етказиб берилаётган эди. Эндиликда шунга ўхшаш эҳтиёт қисмлар Сурияга ҳам жўнатилмоқда.

Завод коллективи янги йилдан тўла хўжалик ҳисоби асосида ишлашга ўтди. Бу усулни қўлланишга ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида қатор ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу иш шароитларини яхшилашга, меҳнат унумдорлиги ортишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига ёрдам бермоқда. Шу туфайли ҳам йилнинг дастлабки квартали плани муваффақиятли адо этилди. Деярли барча буюртмалар вақтида бажарилди. Қўшимча ўнларча минг сўмлик ремонт ишлари амалга оширилди.

Завод коллективи мамлакатдаги турдош корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақада кўпинча мукофотли ўринларни эгалламоқда. Ўтган йилнинг учинчи кварталида СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда агросаноат комплекси касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини ва пул мукофотини қўлга киритган эди. Тўртинчи кварталда ҳам муваффақиятли қатнашди. Эндиликда қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун социалистик мусобақа авж олдириб юборилди.

**Т. ШОЮСУПОВА.**

# ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Тўйтепадаги автобус-таксомотор парки область пассажир автомобиль трестининг пешқадам корхоналаридан ҳисобланади. Коллектив пудратини қўллаб ишлаётган шоферлар зиммаларидаги вазифаларини муваффақиятли бажармоқдалар. Улар ўтган йили планни 103,7 процент қилиб адо этишди. Қўшимча юз минглаб йўловчиларга хизмат кўрсатилди. Фаолиятларининг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам юқори бўлди. Шу туфайли трест корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб деб топилдилар ва кўчма Қизил байроқ билан тақдирландилар.

Байроқдор коллектив ўн иккинчи беш йиллик учинчи йилининг биринчи кварталини ҳам яхши якунлади. Йўловчилар ташиш уч ойлик топшириғи белгиланганидан 3,2 процент ортиғи билан адо этилди. Қўшимча 300 минг нафар йўловчига транспорт хизмати кўрсатилди. Умуман шу даврда транспортчилар меҳнатидан баҳраманд бўлган йўловчилар сони 6 миллион 700 минг кишини ташкил этди.

Паркда ёнилғини тежаш учун ҳам қизғин кураш авж олиб кетган. Бу яхши самара бермоқда. Бир неча тонна ёнилғи тежаб қолинди. Ўтган кварталда ҳар бир ҳайдовчи бир кун давомида иқтисод қилинган ёнилғи ҳисобига машина бошқарди. Унумли ва тежамли ишлашда касбдошларига намуна бўлаётган ҳайдовчилар анчагина бор. Сотиболди Ботиров, Тимофей Ким, Алишер Аббосов, Баҳодир Миралиев, Александр Криловлар шулар жумласидандир. Улар нормани 110—112 процентдан адо этишмоқда. Шу кунларда йилнинг учинчи квартали ҳисобига ишлаяптилар.

**У. МУҲАМЕДОВ.**

# • КОММУНИСТИК ЎЗБЕКИСТОНДА



Н. СИСОЕВнинг «Ленин Кремлдаги шанбаликда. 1920 йил» расмидан В. СОЗИНОВ репродукцияси. (ТАСС).

ҲОЗИРГИ вақтда бутун мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси кўрсатмалари асосида социал ва иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида тубдан ўзгаришлар ясаш учун қизғин кураш бормоқда. Бу ҳақиқатан ҳам умумхалқ тусини олди. Кўп жиҳатдан шу туфайли ҳам экономикамизда ижобий силжишлар рўй берди. Партия, давлат ва хўжалик органларининг иш услуби ўзгармоқда.

Биз олға томон борар эканмиз, ленинча ғояларнинг битмас-туганмас ҳаётий кучини тобора чуқурроқ ҳис қилаверамиз. Коммунистик шанбаликлар ҳақидаги Ленин фикри ҳам ҳозирги вақтда ўзининг ҳаётийлигини кўз-кўз қилмоқда. Улуғ доҳий бу ҳаракатга жуда катта баҳо бериб, уни Буюк почин деб атаганида минг бор ҳақли эди. Ана шу умумхалқ ҳашари ҳақида фикр юритган улуғ доҳий сиёсий сафсатабозликни камайтириб, ҳаётдан олинган, ҳаётда синовдан ўтган энг оддий, бироқ, жонли коммунистик қурилиш омилларига кўпроқ эътибор бериш зарурлигини уқтирган эди.

Ҳозирги вақтда бўлиб ўтаётган коммунистик шанбаликлар бу анъанага содиқлик нишонигина бўлиб қолмасдан айни вақтда миллионлаб совет кишиларининг чуқур маънавий эҳтиёжи бўлиб қолди. Ҳаммага маълумки, бундан роппа-роса 70 йил илгари Москва—Қозон темир йўлининг транспортчилари коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Дастлабки бу шанбаликларда 205 нафар коммунист ва уларга ҳайрихоҳ кишилар қатнашишди. Шанбалик натижалари кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Меҳнат унумдорлиги оддий кунлардагига нисбатан уч баравар ошиқ бўлди, Москвалик коммунист темирйўлчилар буюк меҳнат қаҳрамонлигини кўрсатдилар. Уларнинг бу хайрли иши ишчилар синфининг шон-шуҳратга бурканган тарихига зарҳал ҳарфлар билан қайд қилинди. Коммунистик шанбаликлар бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқалди, барча касбдаги кенг оммани қамраб олди.

Совет Ўзбекистонида биринчи коммунистик шанбаликлар 1919 йилнинг октябрида уюштирилган эди. Шанбаликларни ўтказишга Тошкент шаҳар партия комитети раҳбарлик қилди. Унинг ҳузурида махсус шанбаликлар бюроси таъсис этилди. Тошкент намунаси бўйича худди шундай бюролар Ўзбекистоннинг барча шаҳар партия комитетлари ҳузурида ташкил этилган эди.

Шанбаликларда қатнашаётган аҳоли сони муттасил кўпайиб борди. 1919 йилнинг октябридан то декабригача бўлган даврда фақатгина Тошкент шаҳрида 22 та шанбалик ўтказилди. Республика меҳнаткашлари Ўзбекистон халқ хўжалигини тиклашга ёрдам бериш бўйича уюштирилган умумхалқ ҳашарларида жон-диллари билан қатнашдилар. Тошкентда 1920 йилнинг 20 мартидан то 4 апрелигача бўлиб ўтган шанбаликларда 5,5 минг нафарга яқин киши иштирок этди. Шу вақтда шундай умумхалқ ҳашарлари Тошкентдан ташқари Самарқанд, Фарғона, Андижон, Янги Бухоро, Қўқон, Наманган ва республиканинг бошқа шаҳарларида бўлиб ўтди.

РКП(б) IX съездининг 1920 йил 1 майдаги қарорига мувофиқ Бутуниттифоқ шанбалиги уюштирилди. Унда 15 миллион киши иштирок этди. Мамлакатда шу куни шанбалик ўтказилмаган бирорта шаҳар ёки қишлоқ қолмади, дейиш мумкин. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам вайрон бўлган хўжаликни тиклаш ишларида фаол қатнашдилар. 1920 йилнинг майида хўжалик қурилиши масалалари Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг конференциясида атрофлича муҳокама қилинди. Конференция қабул қилган резолюцияда ҳозирги даврнинг асосий вазифаси хўжалик вайронгарчилигини бартараф этиб, очлик ва совуққа қарши курашдан иборатдир, деб таъкидланди. Конференция қатнашчилари республиканинг барча меҳнат аҳлини темирйўллар, устахоналар, фабрика ва заводларни тўла ишга тушириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга даъват этдилар.

Ўша вақтда «Фронт ҳафталиклари» муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг мақсади Қизил Армияга баҳоли-қудрат ёрдам беришга қаратилган эди. Ишчилар ва хизматчилар ҳарбий қисмлар билан биргаликда ҳар куни кечқурун қўшимча маблағ олмасдан ариқлар қазишда, вагонларни юкдан бўшатишда ва бошқа шу каби юмушларда қатнашдилар. 1920 йилнинг апрель ойи охирида Ўзбекистонда «Транспорт ҳафталиги» ўтказилди. Шу ҳафталикда меҳнаткашлар катта ҳажмдаги ишларни бажардилар. Самарқандда 3 та темирйўл кўпригини қайта тикладилар, 27 та паровоз ва 61 та вагонни ремонтдан чиқардилар. Янги Бухорода эса 100 та вагон ва бир қанча паровоз қайта тикланди.

